

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги ПФ-5996-сонли Фармониغا асосан 2020 йил 1 июндан 1 сентябргача юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи имтиёзини қўллаш учун аниқлаштирилган маълумотнома тақдим этиш бўйича

ҚўЛЛАНМА

1. Солиқ кодексининг 417-моддасига асосан солиқ даври мобайнида солиқ тўловчилар солиқ бўйича бўнак тўловларни тўлайди.

Бўнак тўловлар миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ тўловчилар жорий солиқ даврининг 10 январигача солиқ органларига мўлжалланаётган солиқ базасидан (ўртача йиллик қийматидан) тегишли солиқ ставкасидан келиб чиққан ҳолда маълумотномани тақдим этади (*ҳисобот шакли Адлия вазирлигида 2020 йил 24 февралда АВ-3221-сон билан рўйхатга олинган*).

Солиқ даври мобайнида мўлжалланаётган **солиқ базаси ўзгарган тақдирда** солиқ тўловчи солиқ суммаси тўғрисида аниқлаштирилган маълумотнома тақдим этишга ҳақли. Бунда солиқ даврининг қолган қисми учун бўнак тўловларга солиқнинг ўзгариш суммасига тенг улушларда тuzатиш киритилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги ПФ-5996-сонли Фармониغا асосан 2020 йил 1 июндан 1 сентябргача юридик шахслар мол-мулк солиғи бўйича имтиёзни қўллаш учун аниқлаштирилган маълумотнома тақдим этилиши лозим (*2020 йил 1 июнга қадар тақдим этилиши мақсадга мувофиқ*).

3. Имтиёз берилган давр учун мол-мулк солиғи жорий тўловлар суммасини камайтирган ҳолда аниқлаштирилган маълумотнома тақдим этиш қуйидагича амалга оширилади, жумладан:

а) айланмадан олинadиган солиқ тўловчи бўлмаганлар томонидан

Маълумотноманинг 120-сатрида йил учун ҳисобланган солиқ суммаси 130-сатрдаги имтиёз суммасига камайтирилиб, бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси 140-сатрида акс эттирилади.

Имтиёз берилган июнь-август ойлари учун ҳисобланган солиқ суммаси маълумотноманинг 130-сатрида кўрсатилади ва бюджетга тўланадиган 140-сатри имтиёз суммасига камайтирилади

Маълумотноманинг 140-сатридаги бюджетга тўланадиган солиқ суммаси 9 га бўлиниб, 1401, 1402, 1403, 1404, 1409, 1410, 1411, 1412-сатрларига тенг тақсимланган ҳолда ёзилади.

Қолган 1406, 1407, 1408-сатрларига “0” ёзилади.

Мисол учун, корхонага 2020 йил учун 30 000 000 сўм мол-мулк солиғи ҳисобланган. Ушбу сумманинг 1/12 қисми 2 500 000 сўмга (30 000 000/12) тенг бўлади.

Фармонга асосан 130-сатрга 7 500 000 сўм ёзилади ва июнь, июль, август ойларига “0” қўйилган ҳолда қолган сатрларга 2 500 000 сўмдан кўрсатилади.

Имтиёз суммаси	130	7.500.000.00
Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг умумий суммаси ((040-сатр + 070-сатр + 120-сатр) - 130-сатр))	140	22.500.000.00
январь	1401	2.500.000.00
февраль	1402	2.500.000.00
март	1403	2.500.000.00
апрель	1404	2.500.000.00
май	1405	2.500.000.00
июнь	1406	0.00
июль	1407	0.00
август	1408	0.00
сентябрь	1409	2.500.000.00
октябрь	1410	2.500.000.00
ноябрь	1411	2.500.000.00
декабрь	1412	2.500.000.00

б) айланмадан олинадиган солиқ тўловчилар томонидан

Маълумотноманинг 120-сатрида йил учун ҳисобланган солиқ суммаси 130-сатрдаги имтиёз суммасига камайтирилиб, бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси 140-сатрида акс эттирилади.

120-сатридаги солиқ суммаси 12 га бўлиниб, бир ой учун ҳисобланган солиқ суммаси аниқлаб олинади.

Имтиёз берилган июнь-август ойлари учун ҳисобланган солиқ суммаси маълумотноманинг 130-сатрида кўрсатилади ва бюджетга тўланадиган 140-сатри имтиёз суммасига камайтирилади

Маълумотноманинг 140-сатридаги бюджетга тўланадиган солиқ суммаси 9 га бўлиниб:

1401-сатрига 3 ойлик;

1402-сатрига 2 ойлик;

1403-сатрига 1 ойлик;

1404-сатрига 3 ойлик солиқ суммаси ёзилади.

Мисол учун, корхонага 2020 йил учун 6 000 000 сўм ҳисобланган. Ушбу сумманинг 1/12 қисми 500 000 сўмга (6 000 000/12) ва 1/4 қисми 1 500 000 сўмга тенг бўлади.

Корхонага ҳар чорак учун 1 500 000 сўм мулк солиғи ҳисобланган.

Фармонга асосан 130-сатрга 3 ойлик имтиёз суммаси 1 500 000 сўм ёзилади.

II чорак учун ҳисобланган сумма 500 000 сўмга камайтирилиб, 1402-сатрга, 1 000 000 сўм ёзилади,

III чорак учун ҳисобланган сумма 1 000 000 сўмга камайтирилиб, 1403-сатрга 500 000 сўм ёзилади.

Имтиёз суммаси	130	1,500,000.00
Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг умумий суммаси ((040-сатр + 070-сатр + 120-сатр) - 130-сатр))	140	4,500,000.00
I чорак учун - 10 мартгача	1401	1,500,000.00
II чорак учун - 10 июнгача	1402	1,000,000.00
III чорак учун - 10 сентябргача	1403	500,000.00
IV чорак учун - 10 декабргача	1404	1,500,000.00

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги ПФ-5996-сонли Фармонига асосан 2020 йил 1 июндан 1 сентябргача юридик шахслардан олинадиган ер солиғи имтиёзни қўллаш учун аниқлаштирилган ҳисобот тақдим этиш бўйича

ҚўЛЛАНМА

1. Солиқ кодексининг 431-моддасига асосан юридик шахслар томонидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича солиқ даврининг 1 январига бўлган ҳолатга кўра ер солиғининг ҳисоботини жорий солиқ даврининг 10 январига қадар тақдим этади. *(Ҳисобот шакли Адлия вазирлигида 2020 йил 24 февралда АВ-3221-сон билан рўйхатга олинган)*

Солиқ даври мобайнида **солиқ базасида ўзгариш бўлганда** юридик шахслар бир ойлик муддат ичида солиқ органига аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи қайта тақдим этилиши белгиланган.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги ПФ-5996-сонли Фармонига асосан 2020 йил 1 июндан 1 сентябргача

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи имтиёзини қўллаш учун аниқлаштирилган ҳисобот тақдим этилиши лозим (2020 йил 1 июнга қадар тақдим этилиши мақсадга мувофиқ).

3. Қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик бўлмаган ерлар учун тўланадиган ер солиғи ҳисоб-китобининг 010-040 сатрлар ҳисобот шаклларининг 1-иловаси (солиқ тўловчининг ер участкалари тўғрисида маълумот) ва 2-иловасини (солиқ солинмайдиган ерлар) тўлдириш орқали автоматик шаклланади.

Ҳисоб-китобнинг 040-сатрида йил учун бюджетга тўланиши лозим бўлган жами солиқ суммаси акс эттирилган.

Фармонга асосан имтиёз жорий йилнинг 1 июнидан 1 сентябргача 3 ойга берилди.

Қўлланилиши лозим бўлган имтиёзнинг жами суммаси солиқ ҳисоб-китобида алоҳида кўрсатилмайди.

Имтиёз берилган давр учун ер солиғи суммасини камайтириш солиқ ҳисоботида қуйидагича акс эттирилади, жумладан:

а) айланмадан олинадиган солиқ тўловчи бўлмаганлар томонидан

2020 йил учун ҳисобланган жами солиқ суммаси (ҳисоб-китобнинг 040-сатри) 12 га бўлиниб, 0401, 0402, 0403, 0404, 0406, 0407, 0408, 0409, 0410, 0411, 0412-сатрларга тенг тақсимланган ҳолда ёзилган.

Мазкур сартлар солиқ тўловчи томонидан тўлдирилади.

Ҳисоб-китобнинг 0406, 0407, 0408-сатрларига “0” ёзиш орқали июнь, июль, август ойлари учун ҳисобланган солиқ суммаси камайтирилади.

Мисол учун корхонага 2020 йил учун 24 000 000 сўм ер солиғи ҳисобланган. Ушбу сумманинг 1/12 қисми 2 000 000 сўмга (24 000 000/12) тенг бўлади.

Корхонага ҳар ой учун 2 000 000 сўм ҳисобланган.

Фармонга асосан июнь, июль, август ойларига имтиёз қўлланилган ҳолда тўлдирилади.

Жорий солиқ даврининг 1 январидаги ҳолат бўйича қишлоқ ҳўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун тўланадиган ер солиғи ҲИСОБ-КИТОБИ (Айланмадан солиқ тўловчилар бўлмаган)

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ўлчов бирлиги	Ер майдони	сумма
Ер участкасининг умумий майдони, мазкур ҳисоб-китобга 1-илованинг 010 сатр 3-устуни	010	га	2.0000	х
Солиқ солинмайдиган ер майдони - мазкур ҳисоб-китобга 1-илованинг 010 сатр 4-устуни	020	га		х
Солиқ базаси мазкур ҳисоб-китобга 1-илованинг 010-сатр 5-устуни	030	га	2.0000	х
Йил учун бюджетга тўланиши лозим бўлган жами солиқ сўммаси мазкур ҳисоб-китобга 1-илованинг 010-сатр 7-устуни	040	сўм	х	24,000,000.00
шу жумладан:	х	х	х	х
январь ой учун – 10 январгача	0401	сўм	х	2,000,000.00
февраль ой учун – 10 февралгача	0402	сўм	х	2,000,000.00
март ой учун – 10 мартгача	0403	сўм	х	2,000,000.00
апрель ой учун – 10 апрелгача	0404	сўм	х	2,000,000.00
май ой учун – 10 майгача	0405	сўм	х	2,000,000.00
июнь ой учун – 10 июнгача	0406	сўм	х	0.00
июль ой учун – 10 июлгача	0407	сўм	х	0.00
август ой учун – 10 августгача	0408	сўм	х	0.00
сентябрь ой учун – 10 сентябргача	0409	сўм	х	2,000,000.00
октябрь ой учун – 10 октябргача	0410	сўм	х	2,000,000.00
ноябрь ой учун – 10 ноябрча	0411	сўм	х	2,000,000.00
декабрь ой учун – 10 декабргача	0412	сўм	х	2,000,000.00

б) айланмадан олинадиган солиқ тўловчилар томонидан

2020 йил учун ҳисобланган жами солиқ суммаси (*ҳисоб-китобнинг 040-сатри*) 4 та чоракка бўлиниб, 0401, 0402, 0403, 0404-сатрларга тенг тақсимланган ҳолда ёзилган.

Мазкур сатрлар солиқ тўловчи томонидан тўлдирилади.

Йиллик солиқ суммаси 12 га бўлиниб, бир ой учун ҳисобланган солиқ суммаси аниқлаб олинади.

II чорак учун ҳисобланган суммадан (0402-сатр) бир ой учун ҳисобланган сумма камайтирилади, шунда II чоракда апрель ва май ойлари учун ҳисобланган солиқ суммаси қолади.

III чорак учун ҳисобланган суммадан (0403-сатр) икки ой учун ҳисобланган сумма камайтирилади, шунда III чоракда сентябрь ойи учун ҳисобланган солиқ суммаси қолади.

Мисол учун корхонага 2020 йил учун 1 978 110 сўм ҳисобланган. Ушбу сумманинг 1/12 қисми 164 842,5 сўмга (1 978 110/12) ва 2/12 қисми 329 685 сўмга тенг бўлади.

Корхонага ҳар чорак учун 494 527,5 сўм ҳисобланган.

II чорак учун ҳисобланган сумма 164 842,5 сўмга камайтирилиб, 0402-сатрга 329 685 сўм ёзилади,

III чорак учун ҳисобланган сумма 329 685 сўмга камайтирилиб, 0403-сатрга 164 842,5 сўм ёзилади.

Жорий солиқ даврининг 1 январдаги ҳолат бўйича қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун тўланадиган ер солиғи ҲИСОБ-КИТОБИ (Айланмадан солиқ тўловчилар учун)

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ўлчов бирлиги	Ер майдони	сумма
Ер участкасининг умумий майдони, мазкур ҳисоб-китобга 1-илованинг 010 сатр 3-устуни	010	га	0.1100	х
Солиқ солинмайдиган ер майдони - мазкур ҳисоб-китобга 1-илованинг 010 сатр 4-устуни	020	га		х
Солиқ базаси мазкур ҳисоб-китобга 1-илованинг 010-сатр 5-устуни	030	га	0.1100	х
Йил учун бюджетга тўланиши лозим бўлган жами солиқ сўммаси мазкур ҳисоб-китобга 1-илованинг 010-сатр 7-устуни	040	сўм	х	1,978,110.83
шу жумладан:	х	х	х	х
I чорак учун - 10 январгача	0401	сўм	х	494,527.71
II чорак учун - 10 апрелгача	0402	сўм	х	329,685.14
III чорак учун - 10 июлгача	0403	сўм	х	164,842.57
IV чорак учун - 10 октябргача	0404	сўм	х	494,527.71